

## ХАЛҚАРО САВДОНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛЛАРИ

**Мажидов Бобуржон Мустофо ўғли**

Тошкент давлат иқтисодий университети

2-курс магистранти

**Аннотация:** Ушбу мақолада, халқаро савдони молиялаштиришнинг замонавий йўллари ёртилган. Шунингдек, халқаро савдонинг бундай шакллари (қуринишлари) учун тукнаш битимлар қўлланилади. Назария ва амалиётда «тукнаш битимлар» тушунчаси барча битимлар кўринишини ўз ичига олади, бунда товарлар ёки хизматларни экспорт қилувчи, импорт қилувчи (ёки импорт қилувчи мамлакатнинг бошқа мол етказиб берувчиси)нинг товарларни (ёки хизматларини) қабул қилиб олиш мажбурият зурурати илмий асосланган.

**Калим сўзлар:** халқаро савдо, савдони молиялаштириш, товарлар ёки хизматлар, экспорт қилувчи, импорт қилувчи.

Бугунги кунда иқтисодий халқаро савдосиз тасаввур қилиш қийин албатта. Ўхшатиш бўлсада уларни танадаги қон томирларига қиёслаш мумкин, халқаро савдони молиялаштириш ҳар доим ҳам етказиб берилган товар ёки кўрсатилган хизматлар учун пулли ҳисоб-китоб ёрдамида амалга оширилади. Халқаро савдонинг бундай шакллари (қуринишлари) учун тукнаш битимлар қўлланилади. Назария ва амалиётда «тукнаш битимлар» тушунчаси барча битимлар кўринишини ўз ичига олади, бунда товарлар ёки хизматларни экспорт қилувчи, импорт қилувчи (ёки импорт қилувчи мамлакатнинг бошқа мол етказиб берувчиси)нинг товарларни (ёки хизматларини) қабул қилиб олиш мажбуриятини олади. Шундай қилиб, экспортга мол етказиб беришлар, қисман ёки тўлиқ молиялаштирилади, яни компенсацияланади. Шу сабабли «компенсациялар» тушунчаси кўпинча тукнаш битимларнинг барча кўринишлари учун умумлаштирувчи (жамловчи) бирлик сифатида ишлатилади.

Ўзбекистон республикасида экспорт-импорт операцияларини молиялаштириш механизми. Ўзбекистон Республикасида экспорт-импорт операцияларини молиялаштириш, асосан, банклар ёрдамида, хусусий ёки давлат (ҳукумат) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бугунги кунда, республикада товар ва хизматлар импорти учун кредит ажратиш амалиёти мавжуд. Экспорт муносабатларида фақатгина муддати ўтган тўлов сифатидаги кредит мавжуд. Чет эл мамлакатларидан товар сотиб олинганда тўловлар, асосан, эркин айирбошланадиган валютада амалга оширилади. Чет элдан келтириладиган товарларнинг асосий




қисмини, халқаро меъёрларга жавоб берувчи, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқарувчи, машина ва асбоб-ускуналар ташкил қилади. Бу харидлар банк кредитлари ҳисобидан амалга оширилади. Мазкур ускуналар билан савдо қилиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади ва давлат томонидан назорат қилинади.

Мамлакатимиз халқаро савдони молиялаштиришнинг замонавий йўллари ишлаб чиқишга қаратилган, илмий таклиф ва амалий тавсияларни бериш тадқиқотнинг мақсади бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот олдига қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди ва ҳал этилади:

- халқаро савдони молиялаштиришнинг замонавий йўллари ишлаб чиқиш борасидаги назариялар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиб чиқиш;
- замонавий йўллари ишлаб чиқишга қаратилган, илмий таклиф ва амалий тавсияларни мисолида таҳлил этилади;
- халқаро савдони молиялаштиришнинг замонавий йўллари юзасидан тажрибаси ўрганилади;
- мамлакатимиздаги халқаро савдони молиялаштиришнинг замонавий йўллари ва вужудга келувчи муаммоларни камайтириш чоралари бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.






Манба:Муаллиф ишланмаси.

## 1-расм. Халқаро савдо ривожлантириш омиллари

Халқаро савдо ривожлантиришнинг зарурлигини белгиловчи омиллари:

- Табиий ва хом ашё ресурсларининг мамлакатлар ўртасида нотекис тақсимланган. Энг катта ҳудудга эга бўлган ёки ривожланган давлатлар ҳам барча ресурслар билан ўзини тўлиқ таъминлай олмайди
- Ҳамма мамлакатлар ҳам барча турдаги маҳсулотни бир хил самарадорлик билан ишлаб чиқара олмайди. Бир товар Японияда арзон ишлаб чиқарилса, иккинчи товар Ўзбекистонда арзон ишлаб чиқарилиши мумкин (1-расм).




Манба:Муаллиф ишланмаси.

## 2-расм. Халқаро савдонинг шакллари

Халқаро савдонинг шакллари (2-расм):

- маҳсулотларни айирбошлаш: ёқилғи-хом ашё маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, саноат маҳсулотлари;
- хизматларни айирбошлаш: муҳандислик-маслаҳат хизматлари, транспорт хизматлари, сайёҳлик ва бошқа хизматлари;
- янги илмий-техник маълумотларни айирбошлаш: лицензиялар ва «ноу-хоу»лар. Улар ҳиссасига халқаро савдо айланмасининг 10 фоизига яқини тўғрию (2-расм).



Манба: Муаллиф ишланмаси.

### 3-расм. Халқаро савдо бўйича М. Портер назарияси

М. Портерга кўра мамлакат тармоқлари ва фирмаларининг рақобат устунлигини белгиловчи омиллар:

Асосий омиллар:

- Зарур сифатга эга ва етарлича миқдордаги ишлаб чиқариш омилларининг мавжуд бўлиши;
- Мамлакат ичида мазкур тармоқ маҳсулотига бўлган талабнинг хусусиятлари, унинг сифат ва миқдор характеристикалари;
- Мамлакатда ушбу тармоққа йўлдош ва уни таъминлаб турувчи, жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган тармоқларнинг мавжудлиги;
- Фирманинг стратегияси ва таркиби, шунингдек ички бозордаги рақобат характери.

Қўшимча омиллар:





- Тасодифий ходисалар;
- Ташқи иқтисодий фаолият юритувчи корхоналарни қўллабқувватлаш бўйича ҳукумат Мамлакатда ушбу тармоққа фаолияти (3-расм).

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаева (2017) “Кредит ва кредитлаш амалиёти”.-Т.: Иқтисод-молия, -Б. 225-228
2. Байбулекова (2013) “Управление проблемными кредитами: Казахстанский опыт” статья // [www.google scholar](http://www.google scholar). Академия Google.
3. Бердияров (2017) “Банк активлари ва пасивларини бошқариш” фанидан ўқув-услубий мажмуа .-Т.: Молия, -326 б.
4. Лаврушин О.И. ва бош (2008) “Банковское дело” М.: ЗАО “КноРус”, – С. 299-303.